



“ 1 ” май 2020 y № 32

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ахборот хавфсизлиги сиёсатига мувофиқ, давлат статистика тизимида Интернет ва электрон почта тармоғидан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида, **БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида Интернет ва электрон почта тармоғидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда - Низом) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ҳудудий статистика бошқармалари раҳбарлари ҳамда Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори, икки ҳафта муддат ичида ушбу Низом билан шахсий имзолари орқали таништирилишини ва ижросини таъминласин.

3. Ахборот хавфсизлиги бошқармасининг Ахборот тизимларини тармоқ бошқаруви ва хавфсизлиги бўлими ходимларига Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратида Интернет ва электрон почта тармоғига кириш тизим маъмурлар функцияларини бажариш юклатилсин.

4. Ҳудудий статистика бошқармалари раҳбарлари ҳамда Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори икки ҳафта муддат ичида Интернет ва электрон почта тармоғига кириш тизим маъмур функцияларини бажарадиган ходимлар рўйхатини тасдиқласин.

5. Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 20 февралдаги 13-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Раиснинг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича ўринбосари З.Зияев зиммасига юклатилсин.

Раис

Б. Бегалов